



I xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

**«RAQAMLASHTIRISH DAVRIDA
KUTUBXONA SOHASI EKOTIZIMI:
HAMKORLIK, INTEGRATSIYA VA
INNOVATSIYALAR»**

I Международная научно-практическая конференция

**«ЭКОСИСТЕМА БИБЛИОТЕЧНОЙ
СФЕРЫ В ЭПОХУ ЦИФРОВИЗАЦИИ:
СОТРУДНИЧЕСТВО, ИНТЕГРАЦИЯ И
ИННОВАЦИИ»**



**2024 yil 15 mart
Tashkent**

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti:
O'zbekiston Respublikasi Toshkent sh.
Mirzo Ulug'bek tumani, Yalang'och dahasi 127 «A»
+99871 230-28-02
konf_dsmi@mail.ru



**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
МИНИСТЕРСТВО КУЛЬТУРЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ ИСКУССТВ И КУЛЬТУРЫ УЗБЕКИСТАНА
КАФЕДРА «БИБЛИОТЕЧНЫЕ ФОНДЫ И БИБЛИОГРАФОВЕДЕНИЕ»**

**I XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA MATERIALLARI
«RAQAMLASHTIRISH DAVRIDA KUTUBXONA SOHASI EKOTIZIMI:
HAMKORLIK, INTEGRATSIYA VA INNOVATSIYALAR»
2024-yil 15-mart**



**МАТЕРИАЛЫ I МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
«ЭКОСИСТЕМА БИБЛИОТЕЧНОЙ СФЕРЫ В ЭПОХУ ЦИФРОВИЗАЦИИ:
СОТРУДНИЧЕСТВО, ИНТЕГРАЦИЯ И ИННОВАЦИИ»
15 марта 2024 г.**



**MATERIALS OF THE I INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL
CONFERENCE
"ECOSYSTEM OF THE LIBRARY SECTOR IN THE ERA OF DIGITALIZATION:
COOPERATION, INTEGRATION AND INNOVATION"
March 15, 2024**

ЧАСТЬ 2

Ташкент 2024

УДК 021:004(100)

ББК 78.30 (0)

Экосистема библиотечной сферы в эпоху цифровизации: сотрудничество, интеграция и инновации = Raqamlashtirish davrida kutubxona sohasi ekotizimi: hamkorlik, integratsiya va innovatsiyalar = Ecosystem of the library sector in the era of digitalization: cooperation, integration and innovation, 15 марта 2024 г.: сб. материалов I междунар. науч.-практ. конф. / ГИИК Узбекистана; отв. ред. Жумаев С.С.; ред.кол.: Давлатов С.Х, Байтураев Т.Д., Муминходжаева Л.Н., Гребенюк М.В. - Ташкент, 2024. - Ч.2.- 175 с.

Настоящий сборник составлен по материалам I международной научно-практической конференции **«ЭКОСИСТЕМА БИБЛИОТЕЧНОЙ СФЕРЫ В ЭПОХУ ЦИФРОВИЗАЦИИ: СОТРУДНИЧЕСТВО, ИНТЕГРАЦИЯ И ИННОВАЦИИ»**, состоявшейся 15 марта 2024 года в Ташкенте и посвящен спектру тем, связанных с трансформацией библиотечной сферы в условиях цифровой эры.

Сборник предназначен для специалистов, научных работников, преподавателей, аспирантов, магистрантов, студентов для использования в научно-исследовательской и образовательной деятельности.

Авторы опубликованных материалов несут ответственность за подлинность и точность цитат, имен, названий и другой информации, а также за соблюдение законов об интеллектуальной собственности.

© ГИИКУз, 2024

© Коллектив авторов, 2024

Оглавление

Общие вопросы внедрения информационных технологий в области культуры

1.	<i>Абдуллаева Хафиза Олимходжаевна</i>	Духовно-эстетическая основа развития человека	6
2.	<i>Алимасов Виктор</i>	М.Ю. Лермонтов библиофил сифатида	9
3.	<i>Васильченко О.А.</i>	Совершенствование образовательного процесса в подготовке профессиональных кадров	11
4.	<i>Икрамов Сайфулла Тургунович</i>	Роль культуры чтения в формировании общественного мнения среди молодежи	15
5.	<i>Исмоилов Ҳамдам</i>	Замон қаҳрамони муаммолари	18
6.	<i>Йўлдошев Иброҳимжон Жўраевич</i>	Ўзбек китобатчилик терминологияси ривожда хорижий тилларнинг ўрни	21
7.	<i>Кошелева Антонина Фёдоровна Курбанова Нигора Рахимджоновна</i>	Виртуальные хранилища в сфере информатизации культуры и искусства	29
8.	<i>Кудрявцев А.Н.</i>	Классика в период глобализации	33
9.	<i>Маликова Севар Саматовна</i>	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Битирувчи талабаларни келажак иш фаолиятларига доир баъзи масалалар хақида	36
10.	<i>Мамажонов Д.</i>	Жаҳоннинг илғор тажрибаси – таълимда сифат кафолати	39
11.	<i>Масалимов Илхом</i>	Фильмларда жанг сахналари, актёр пластикасининг ўзига хослиги ва ифодавийлиги	45
12.	<i>Нишонбоева Қ.В.</i>	Жадид маърифатпарварлари кутубхоналари илм-фан марказлари сифатида	49
13.	<i>Расулов Саййид-Акмал</i>	«Ўзбек» этноними хусусида	54
14.	<i>Содиқова Муқаддам Исламовна</i>	Ёш авлодни ёт ғоялардан ҳимоялашда маънавият ва маърифатнинг асослари	60
15.	<i>Туробов Бобоназар Юсупович</i>	Маданиятлар кетма-кетлигини ўрганишда матинларнинг ўрни	63
16.	<i>Умаров Абдусалом Адилович</i>	Ўзбекистонда кутубхоначилик бўйича давлат сиёсатининг хусусиятлари	65
17.	<i>Юсупова Венера Исметовна</i>	Взаимосвязь традиционного узбекского театра кукол с образовательной программой	69

фильм турлари ҳақида етарлича билим тўлашга мажбур. Жангари фильмни бошқа фильмларда фарқини, нозик қирраларини ажрата билиши зарур. “Фильм суратга олиш қонун-қоидаларини биламан”, деб шунчаки фильм яратиб кетавериш ярамайди. Ҳар бир эпизод устида ижод қилиш керак. Албатта, актёр ҳам бу борада ўзига берилган образ устида янада кўпроқ изланишини талаб этилади. Жангари фильм суратга олиш майдончасида режиссёр етарли билимга эга бўлмаса, ҳеч бўлмаса актёр ўз таклифини кирита олиши керак. Ўзига шароит ярата билиш керак. Жанг сахналарига бўлган муносабатини тўғри ташкил қила олиши ва режиссёрни ҳам илҳомлантира олиши керак [2.Б-23].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шунини айтиш мумкинки, жангари фильмлар суратга олиш учун ҳам актёр, ҳам режиссёр ҳамкорликда, биргаликда масъул. Биргаликда меҳнат қилишлари зарур. Аввало актёр жангари фильмда суратга тушишга тайёр бўлиши керак. Фильмларда шундай камчиликлар юзага келмаслиги учун режиссёр ва экшен постановкачиси ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш, ҳамкорлик давомида фильмнинг жанри, персонажларнинг характерлари, актёрларнинг жисмоний имкониятларини яхши ҳисобга олган ҳолда оммавий жанг сахналари, яққа олишувлар, трюклар, ҳаракатларга боғлиқ бўлган ижро услублари устида жиддий иш олиб бориш керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳаматов. М. Режиссура асослари. Тошкент. – 2008 й.
2. Исмоилов А. Саҳна ҳаракати (қиличбозлик). Т.:–2007 й.
3. [proyektri.ru“Постановшиктрюков”https://proektoria.online/catalog/professions/postanovsh-hik-tryukov](https://proektoria.online/catalog/professions/postanovsh-hik-tryukov)

ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ КУТУБХОНАЛАРИ ИЛМ-ФАН МАРКАЗЛАРИ СИФАТИДА

Нишонбоева Қ.В.

*“Маданиятшунослик” кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти*

Шўролар ҳукмронлиги даврида китоб- кутубхона- китобхон тизими бир қадар чуқур ўрганилган бўлса ҳам, у социалистик тузум манфаатидан келиб чиқиб бутунлай мафкуралашган, кўпроқ сиёсий мақсадларни кўзлаган эди. Кўриниб турибдики, ўзида жуда катта маънавий бойлик- китобларни жамлаган кутубхоналарнинг ижтимоий роли маълум бир тарихий шароитда намоён бўлиб, кутубхоначилик иши ҳам алоҳида ўзига хос йўллар билан ривожланмасдан, балки жамият тараққиётининг умумий қонуниятларига бўйсунган ҳолда фаолият олиб борган. Бу эса жамиятнинг маънавий, руҳий ва ахлоқий имкониятларини янгилаш зарурати билан боғланиб кетади “... кутубхона маҳаллий аҳоли учун билимлар дунёсига очилган дарча бўлиб узлуксиз таълимнинг, шахснинг ва ижтимоий гуруҳларнинг

мустақил қарор қабул қилиши ва маданий ривожланишининг муҳим асосларидан биридир”. Ўзбекистоннинг ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритиши бошқа соҳаларда бўлгани каби кутубхоначилик соҳасида ҳам кескин бурилишларни бошлаб берди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, кутубхона асосий маърифат ўчоғи сифатида фаолият олиб бора бошлади. Бугунги тезкор жараёнда китоб ўқувчида дунёни англаб олишда кўмак бериш билан бир қаторда унинг илмий дунёқарашини шакллантиради, ижобий ҳарактерини таркиб топтиради, ҳаёт ва турмуш зиддиятларини қандай қилиб ечиш йўллариини ўргатади. Шу боис ҳам қадимда ота – боболаримиз кутубхоналар ташкил қилиб, авлодлар занжирини мустақкамловчи маънавий мерос сифатида уларни сақлаб, бизга мерос қолдиришга ҳаракат қилганлар.

Ўзбекистон шаҳарлари азалдан илм-фан маркази сифатида машҳур бўлиб, бунда кутубхоналар катта роль ўйнаган. Айниқса, IX-XII асрларда, Амир Темур ва Темурийлар даврида мамлакатда улкан кутубхоналар ташкил этилди, илм-фан юксалди. Кейинги асрлар, хусусан, хонликлар даврида ҳам минтақадаги йирик шаҳарлар, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида ҳукмдорлар саройларида йирик кутубхоналар фаолият юритган.

Биламизки тараққийпарвар жаҳидларнинг орзуси туркистонликларни таноззулдан чиқариш, илғор халқлар қатори жаҳон маданияти тизимидан жой олиш, ўз маданиятини дунё оммасига танитишдан иборат эди. Бу борада илм -фаннинг аҳамияти чексиз эканлиги ва уни тарғиб қилишда кутубхоналарнинг роли катта эканлигини ўз вақтида тўғри тушуниб етганликларини кўриш мумкин.

Ўз даврининг йирик маърифат ва зиё тарқатувчиларидан бўлган Шарифжон Маҳдум Садри Зиё маълумотларига қараганда, XX асрнинг бошида биргина Бухоро шаҳрида 13 та кутубхона, 96 та қироатхона бор эди. Бухоро шаҳридаги ҳукмдор саройидаги кутубхонада хитой, уйғур, пушту, форс, араб ва бошқа тиллардаги қўлёзмалар сақланган. Кутубхонада китобдор, мушриф, рисолачи ва мирзолар хизмат қилганлар. Сарой кутубхонасида амирларнинг шахсий коллекциялари билан бирга 47.500 жилд турли тиллардаги қўлёзма ва тошбосма китоблар сақланган. (1)

Шарифжон Маҳдум Садр Зиё XIX аср охири- XX аср бошларида кўзга кўринган фан ва маданият арбобларидан бири бўлиб, ўз даврида катта китобсевар ҳам эди. Бир неча тарихий-маданий, тарихий -бадий асарлар унинг қаламига мансуб бўлиб, 1910 йилда энг йирик шеърый йўлда “Тазкир ул- ашъор” номли тазкирасини яратади. Кўплаб асарларни Шарифжон Маҳдум ўз қўли билан хуснихатда кўчирган. Шарифжон Маҳдумнинг ўз сўзлари билан айтганда, унинг китобга муҳаббати чексиз бўлган. Билимнинг турли соҳаларига оид қўлёзмаларни тўплашга, куч ҳам , маблағ ҳам аямаган.” Ҳар қачон, кимда бўлмасин яхши китоб кўрсам, уни қўлга киритишга ҳаракат қилдим”, (2) , деб ёзади Шарифжон Маҳдум эсдаликларида. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Шарифжон Маҳдум Садр Зиё ўз даврида илмнинг муайян соҳалари бўйича ноёб ёки турли замонларнинг машҳур ҳаттотлари кўчирган китобларнинг мисли кўрилмаган беқиёс ҳазинасини яратиб, биз авлодларига мерос қолдирди.

Бухоро шаҳрида энг бой шахсий кутубхона амирзода Ҳашматга тегишли бўлган. У Бухоро амири Музаффарнинг ўғли бўлиб, ўзидан бир неча асарлар ҳам қолдирган. Мамлакатда яна бир нечта йирик шахсий кутубхоналар бўлган.

XX аср бошида жадиличлик ҳаракати раҳнаомлари минтақа шаҳарларида маърифатни кенг тарғиб қилиш мақсадида дастлабки оммавий кутубхоналарга асос солдилар. Уларнинг шахсий маблағлари ва хайриялар ҳисобидан ташкил қилинган ушбу кутубхоналарда жамланган адабиётлар мазмуни ва йўналиши жиҳатидан сарой кутубхоналаридан анча фарқ қилиб, замон руҳини акс эттириб турар, халқ оммаси, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эди.

Хусусан, 1908 йилда Наманганда Исҳоқжон ўғли Ибрат томонидан «Матбааи Исҳоқия» номли илк нашриёт қошида «Кутубхонаи Исҳоқия» номли кутубхона ташкил этилди. Шунингдек, Бухоро шаҳрида ҳам «Ёш бухороликлар» ҳаракати томонидан «Маърифат» кутубхонаси ташкил этилади. «Маърифат» кутубхонасида мамлакатда ва хорижда чиқарилган янги адабиётлар, газета ва журналлар жамланган эди. Кутубхонада Истанбулда чоп этилган «Ҳикмат», «Сиротил мустақим», «Таърифи муслимин» журналлари, Россияда чоп этилган «Таржимон», «Иршод», «Вақт» газеталари ва «Шўро» журнали, Туркистонда чоп этилган жадиd матбуоти намуналари жамланган эди. 1913 йилда Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан янги усул мактаблари учун дарсликлар чоп этиш, маҳаллий матбуотни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган «Нашриёти Бехбудия» кутубхона ташкил этилади. Кутубхонада замонавий адабиётлар билан бир қаторда ўша давр матбуот намуналари, диний, тарихий адабиётлар ҳам жамланган эди. 1914 йилда Тошкентдаги «Турон» жамияти қошида ҳам кутубхона ташкил этилади. 1915 йилда Қўқон шаҳрида Ҳамза Ҳакимзода томонидан «Ғайрат» кутубхонаси ташкил этилади. (3) . Ушбу масалага янада чуқурроқ эътибор бериб, тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, китобни улуғлаш, болалар ўртасида илм маърифат асосларини тарғиб қилиш мақсадида кутубхона ташкил этишда жадиdчилик ҳаракатининг вакиллари ҳам ибрат кўрсатганлар. Масалан, наманганлик маърифатпарварлардан бири Исҳоқжон Ибрат ўз уйида «Кутубхонаи Исҳоқия» деб номланган кутубхона ташкил қилган. Ушбу кутубхона фондидан ўзбек, рус, турк, татар, форс, тожик тилларида яратилган адабиётлар ўрин олган. Исҳоқжон Ибратнинг кутубхонаси нафақат у ўқиган ўқувчиларга, шунингдек қишлоқ аҳолисига ҳам хизмат қилган. Кутубхонадаги китоблар уларнинг характери, йўналишига кўра бир неча бўлимларга ажратилган. Хусусан, мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган бўлимдан С.Саидазизовнинг «Устои аввал», Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Р.Юсуфбек хожи ўғлининг «Раҳбари ҳисоб» каби дарслик ва ўқув қўлланмалари ўрин олган. (4) Ибрат кутубхонаси доимий равишда бойиб борган. Маърифатпарварлар томонидан кутубхона фаолиятининг йўлга қўйилиши, китобхонлар томонидан китобларнинг олиниши ва топширилиши қайд этилган дафтарларнинг юритилиши, шунингдек ўқувчиларнинг китоб мутолаа қилишлари, ўқишлари шахсан назорат қилиб борилган.

Ўша даврларда кутубхоналарни ташкил этишдан асосий мақсад энг аввало ёшлар, мактаб ўқитувчилари, мадраса талабалари, зиёлиларни янги адабиётлар, дарсликлар, матбуот

билан мунтазам таништириб бориш эди. Чунки бу адабиётлар ва газеталарни бошқа бирор жойдан топиш амри маҳол эди.

Китоб асрларни асрларга, замонларни замонларга, ришталарни ришталарга уловчи восита. Шунинг учун ҳар бир инсон, ҳар бир китобхонда китоб ўқиш, ахборот олиш маданиятини янада ривожлантиришимиз керак. Китоб ўқиш маданияти жуда кенг тушунча ва мураккаб муаммо бўлиб, тахминан қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади: **китоб танлай билиш; китобни қандай ўқишни билиш; китоб ўқи ганда нималарга эътибор бериш ва нималарни эслаб қолиш; керакли маълумотларни қаердан, қандай, қайси воситалардан фойдаланиб топиш; олинган билимни ёки хабарни қандай етказиб бериш; қайта ўқиш китобхонлик маданияти ва кўникмасини шакллантириш;**

Айни пайтда ахборот коммуникация соҳасидаги охириги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларни китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик маданиятининг янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шундай деб таъкидлайди: “Дунёда ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан кудратлидир. Бундай энгилмас куч манбаи эса аввало инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти китоб ва кутубхоналарда. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ”. (5)

Ҳақиқатдан ҳам инсон дунёқарашини шакллантириш, таълим тарбия, ахлоқ меъёрларини қарор топтириш, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда илм фан ва китоб муҳим аҳамият касб этади. Инсон руҳияти доимо маънавиятга, илм олишга мойилдир.

Инсон ўзига керакли маънавий озукани илм маърифат орқали англайди. Инсоннинг илмий салоҳияти ортган сари олижаноб, адолатли, юксак бўлиб боради. Азизиддин Насафий ёзишича: “Инсоннинг вазифаси узлуксиз маърифатга интилиш ва ўз борлигини нур билан тўлдириш, илм топиб мусаффоликка етишишдир.

Ўз моҳиятини тўғри ва теран англаган ҳамда шунга муносиб равишда илм олишга интилган одам, шубҳасиз комиллик сари одим қўйган бўлади. Энг содиқ дўст китоб билан яқинлашиш ёшларимизга ҳар қачонгидан да зарур. Зеро, айни пайтда таъсир доираси жуда кенг ва кучли бўлган, замонавий технологияларга асосланган медиамаконда китобнинг ўлмас бойлик, беминнат маслаҳатгўй эканини улар чуқур англаши шарт. Китобхонлик масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган ҳозирги кунда нафақат ёшлар, балки мутолаадан анча йироқлашиб қолган катта авлод вакиллари ҳам бунга жиддий ёндошиши керак. Ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, 2020 - 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш миллий дастури қабул қилинишининг ҳам катта аҳамияти бор. Ёшларни адабиётга, китобга, маърифатга бўлган эҳтиёжини қондириш, келажак авлодни олий инсоний фазилатлар билан тарбиялаш бош мақсадга айлантирилса, натижада инсоният тафаккури буюк

мўъжизалар яратишига бугун уларни ишонтириш зарур. Бунинг исботи учун Шарку Ғарб ренессанслари даврини ёдга олиш ва бу борада илм, ки тоб ва маърифатнинг ўрни бекиёс катта эканлигини ёшларимиз онгига сингдириш зарур.

Бугунги глобаллашув даври ва ахборот асрида мустақилликни қўлга киритган миллатнинг, инсоннинг мутолаа эҳтиёжи давлат эҳтиёжи даражасига кўтарилди, мамлакатнинг ривожланиши, орзу қилаётганимиз- Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлмиш ёш авлоднинг қалби китобларимиз катида келаётган олий қадриятларимиз, инсоний фазилатларимиз билан тарбия топиши бош мақсад қилиб олинганда, мавзу доирасидан келиб чиқиб тахлил қиладиган бўлсак китобхонлик маданияти ва унинг аксиологик тахлили бугунги кун учун ниҳоятда долзарб эканлигини кўрсатади.

Мутахассислар фикрига мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган аср охири ва XX1 аср бошига келиб, фонтастик асарлардаги хаёлларни ҳам ортда қолдириб кетадиган шундай техник ихтиролар қилиндики, улар инсониятнинг ўз- ўзи ва дунё билан мулоқотидаги маромни, мувозанатни бузиб юборди. Аввал йўлдош телевидение, сўнгра интернет, мобиль алоқа воситалари имкониятлари ва улардаги маълумотлар тезлиги қалб тарбияси борасидаги устозликни китоб мутолаасидан тортиб олди. Инсоннинг маънавий дам олишига, тафаккур этишига ўз қалбида кечаётган ҳиссиётларни мушоҳада қилишига ўрин ҳам, фурсат ҳам қолдирмайдиган шиддатли ҳаёт маромини яратди. Боз устига бу шиддатли куюн қалб ва руҳиятнинг асрлар давомида шаклланган эзгулик, раҳмдиллик, меҳру вафо, гўзалликка ошуфталик, ҳалоллик, садоқат, ҳаё ва одоб каби бойликларини одамзод онгидан сиқиб чиқариб, ўрнида эса жаҳолат, шафқатсизлик, бераҳмлик, очкўзлик ва ҳудбинлик каби иллатларни пайдо бўлишига йўл очиб берди

Ушбу ҳақиқатларни англаган ҳолда, давлатимиз адабиётни, китобхонликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганлигининг сабаблари ҳам ана шулар деб тушуниш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидаги “Нажот- таълимда, нажот тарбияда, нажот билимда” деган даъватнинг моҳиятида ҳам ана шу мақсадлар ётибди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилда таълим соҳасини жиддий ислоҳ қилиш, ёш авлод тарбиясида аниқ самарага эришишни жамият, миллат олдида турган муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этар экан, албатта тараққиётнинг янги босқичида таълим- тарбия тизимини йўлга қўйишда китобхонлик маданиятининг ўрни бекиёсдир.

Замонамиз маърифатлари ҳам илм ва ибрат масаласида ўз нуқтаи назарлари, қарашларини ўзларининг илмий ижодий меросига муҳрлаб кетганлар. Ана шу руҳий куч қувват, ҳеч шубҳасиз илму маърифат ва оқилона ибратда юзага келади. Маърифат нури билан йўғрилган билим ва иқтидор кишида ҳаётий жараёнлардан ибрат ола билишга рағбат беради. Аммо билимнинг даражаси, унинг мукамал эгалланганлиги бу ўринда муҳим аҳамиятга эгадир Илм эса ўз ўрнида китоб орқали шаклланади.